

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

УСТОЗЛАРГА ХЎРМАТ - АЖДОДЛАРДАН МЕРОС

(Илмий-назарий тўплам)

Бухоро давлат университети “Жаҳон тарихи” кафедраси
профессори, тарих фанлари доктори Шодмон Аҳмадович
Ҳайитовнинг илмий-педагогик фаолиятининг 40 йиллиги ва
таваллудининг 60 йиллигига бағишланади

**“Дурдона” нашриёти
Бухорои шариф - 2022**

МАСЪУЛ МУҲАРРИРЛАР:

Сулаймон Иноятович ИНОЯТОВ

Бухоро давлат университети профессори, тарих фанлари доктори.

Эшболта Отамуродович ҚОБУЛОВ

Термиз давлат университетининг Педагогика институти директори, тарих фанлари доктори, профессор.

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Ойбек Расулович РАШИДОВ

Бухоро давлат университети доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), "Жаҳон тарихи" кафедраси mudiri.

Маҳмуд Зайниевич ОРЗИЕВ

Бухоро давлат университети "Жаҳон тарихи" кафедраси катта ўқитувчиси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

МУСАҲҲИҲ ВА НАШРГА ТАЙЁРЛОВЧИ:

Хусен Хайруллоевич ЖУРАЕВ

Бухоро давлат университети Тарих ва маданий мерос факультети "Ислам тарихи ва манбашунослиги, фалсафа" кафедраси ўқитувчиси, "Шарқ тиллари таълими ва бухорийлар меросини ўрганиш" маркази аъзоси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Бухоро давлат университети Илмий-техник кенгашининг 4-сонли йиғилишининг 2022 йил 30 март 2/43-сонли қарори асосида нашрга тавсия этилди.

таҳлил қилади. “Сотқин”, “Хоин”, “Ватанфуруш” ва ҳоказо тамғаларни ноҳақ ўз элкасига кўтариб бу ёруғ оламдан кў юмган, ёки ҳаёт бўлиб, Вагани, қариндошлари дийдорига соғ бўлганлар ҳақидаги адолатни қаламга олган.

Тадқиқотчи – олим ўз асарларида хориж мамлакатларида Бухоронинг, Ўзбекистоннинг тарихини ўрганган олимлар ҳақида деярлик кўпчилик билмайдиган маълумотларни ҳам таҳлил қилади. Унинг “Бухоро тарихидан лавҳалар (XIX-XX асрлар)” (Бухоро – 2007 йил) асарининг “Бухоро тарихи немис олими талқинида” деб номланган XIV бобиди келтирилган мулоҳазалари китобхонларни бизнинг юртимиз – Бухоро тарихининг кўпгина муаммолари хориж олимларини томонидан чуқур ўрганилганлигини қайд этиб, немис олими – Анке фон Кюгелгеннинг Бухоро хонликлари даври тарихшунослигига бағишланган асарини батафсил таҳлил қилади.

Менинг назаримда олим ҳозирга ва келажак авлодга тарихимизнинг ҳали “очилмаган кўриқ” эканлигини, айниқса мамлакатимиз тарихи ҳақида хориж олимларининг тадқиқотлари бўлажак илмий изланишларнинг мавзуси бўлишиги даъват қилади. Турли хориж тилларини ўрганаётган, чет эл олий ўқув юртларида ўқиётган ёшларимиз сонини кўпаяётганлигини ҳисобга олсак, бу даъват мева бериши аниқ.

Бугунги юбиляр олим ҳақида унинг қандайдир фазилятлари ҳақида эмас, айнан олимлик ибратига эътибор қаратишим бежиз эмас.

Бугун фан оламига шиддат ва жаҳд билан кириб келаётган айрим ёшларни, уларнинг қўлларида Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дипломи бўлишига қарамай чинаккам олимлар қаторига қўшиш қийин.

Мен ўтган асрнинг 80-йилларида ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ) даги илмий кенгашда таниқли бир олимнинг илмга ҳалоллиқни, чинаккам изланишнинг аҳамияти ҳақидаги бир фикрини келтираман. У киши анчагина заиф ёзилган, илмга фойдаси камроқ тадқиқотлар ҳақида гапира туриб: “Фан номзоди бўлиш мумкин, аммо бундайлар олимлар сонини

Устозларга хурмат – аждодлардан мерос
намайитиради”, - деган эди. Бу фикр мана қарийб 40 йилки, менинг хотирамдан кетмайди.

Мен Шодмон Аҳмадовични чинаккам фидойи, меҳнаткаш, сермахсул, изланувчи, ўз илмий йўналишига эга бўлган тадқиқотчи сифатида биламан ва хурмат қиламан.

60 ёш – бу олимликнинг энг гуллаган, жуда кўп мева берадиган даври деб ҳисоблайман. У кишига Аллоҳдан узок умр, тани сихатлик, илмий-ижодий сермахсуллик тилайман!

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР Акбар Ахтамович АЛЛАМОВ

Бухоро давлат университети “Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси” катта ўқитувачиси.

Донишманд халқимизда илм ва билим ҳақида, унинг ҳаётининг мазмуни ҳисоблаб, умрини шунга бағишлаганлар ҳақида ҳикмату-нақллар мавжуд.

“Илм – ақл чироғи”, “Ҳаёт қоронғулигини илм ёритади”, “Илм номаълумдан маълумларни топган”, “Илм олиш оғир, олгандан сўнг эса, оғирларни енгиллатади”, “Билим – келажакнинг йўли”, “Билимли бошга дунё сиғади”, “Дунёни билим тартибга солгандир”, “Дунёнинг эзгуси билим”, “Олим – билимлар сарбони”, “Билимни ҳеч ким тортиб ололмайдир”, “Илмни китобдан, билимни ҳаётдан ўрган!” кабилар ана шулар жумласидандир.

Мазкур фикрномамни умрбоқий кадрятларимизнинг ажралмас таркибий қисми бўлган бебаҳо ҳикматлардан бошлашим бежиз эмас. Ўтган асрнинг 80-йилларида Бухоро давлат педагогика институти фалсафа кафедрасида филологияни бошлаганимга 4-5 йил бўлган эди. Уша кезларда тарих факультетининг II-III босқичларида фалсафа (Диалектик ва Тарихий материализм) фанидан дарс бераар эдим. Ушанда ўзининг интилувчанлиги, фалсафа фанига бўлган алоҳида меҳри ва қизиқиши билан менинг назаримга тушган, ҳар бир маъруза ва амалиёт дарсларида турли-туман на долзарб саволлари билан “сийлайдиган” (яъни мени...) бир

Устозларга хурмат – аждодлардан мерос

талабани ўзимга яқин тутган эдим. Хали-хануз эсимда Дарсни тугатиб Тарих кафедрасига кирсам ўзим учун идеал устозлар ҳисобланган Нарзуллоҳ Йўлдошев ва Фарҳод Қосимовлар ўтиришибди. (Аллоҳ ҳар икковларини ҳам ўй раҳматига олган!). Саломлашиб бўлган ҳам эдимки:

- Хорманг укам... бу бизнинг тарихчилар сизни зериктириб ёки чарчатиб қўйишмаяптими? – деб қолдилар устоз Нарзуллоҳ Йўлдошев.

- Йўфе, устоз, менга зерикиш ва чарчашга имкон ҳам бермайдиган шогирдларингиз бор экан, айниқса бир талабангиз истиқболи порлоқ кўринапти.

- Сиз айтётган талаба мабодо Шодмонбек Хайитов эмасми? – деб қолдилар Фарҳод Қосимов.

Бу шогирдимиздан умидимиз кагта, келажакда тарих фанининг энг етакчи олимларидан бири бўлишга ишончимиз комил, деб қўшиб қўйдилар, Фарҳод ака.

- Жуда тўғри айтдингиз Фарҳоджон, шахсан мен Шодмонбекда Бухородан чиқадиган Академик тарихчи сиймосини кўраяпман, – деб таъкидлаб қўйдилар устоз Нарзуллоҳ Йўлдошев.

Ана шу воқеага ҳам кам эмас, кўп эмас қарийб 40 йил бўлаяпти. Бу давр ичиде Шодмонжон Хайитовнинг келажак агрофидаги башоратларнинг қарийб саксон фоизи бўли кўрсатди, десак хато бўлмас. Кечаги тиришқоқ турли илмларга ташна айниқса ўзини Ўзбекистон ва Жаҳон тарихи хазиналарини кашф этишга бағишлаган талаба, бугун тарих фанлари доктори, профессор марраларини эгаллади, “Дунёнинг сирини – фақатгина билим экраниде кўринади” деганларидек, тарих илмининг сирлари Шодмонжон Хайитовнинг илмий салоҳияти экраниде кўринди – десак асло хато, ёхуд муболага эмас. Шу ўринда Озарбайжонда нашр этилган, асосан араб тилидаги кўпгина ҳикмат ва мақоллар ўрин олган “Оталар сўзи” номили асардан бир намуна келтиришни маъқул кўрдик: “Ўзи ҳақида ўйламай, фақат элга билим бериш ҳақида ўйлаган олим киши худди шамга ўхшайди, у ўзини ёндиради ва халқни зиёли қилади. Ҳақиқий олим шундай кишини, унинг сўзи, ўйи, фикри ва иши

Устозларга хурмат – аждодлардан мерос

бир хил бўлади. Чунки, кема синса ҳам ўзи чўқади, ҳам ингаларни чўктиради. Олим қачонки ўзининг барча ҳис-ҳайронларининг устидан ҳоким бўлса, шундагина уни олим дейиш мумкин. Олимлар билан ўтирсанг, фойда оласан, чунки гул ёнида ўтирган одамга гул хиди уриб қолади-да.

Зеро, Олим кўр бўлса ҳам дунёни кўради.

Жоҳил соғ бўлса ҳам узоқни кўрмайди.

Одамнинг энг ёмони нодон бўлиб, фойда келтирмаганидир.

Назаримда, юқорида келтирганимиз ҳикмат, устозлар дусини олган, уларнинг панд-насихатларига амал қилиб ўзини тарих илми ривожига бахш этган Шодмонжон Хайитовга бағишлангандек.

Буюк шарқ алломаси Носир Хисравнинг қуйидаги мисралари Устоз Шодмонжон Хайитов учун битилган деган кайлга ҳам бораман:

Билим қидиришга урдим бошимни,

Бекорга ўтказмадим умримни бир дам.

Қайдаки эшитсам илму донишни,

Эшиги тагида ўлтирдим маҳкам.

Энди Шодмонжон Хайитов зиммаларида илмнинг оғир юки бўлган бир интилиш ва марра қолди. Бу ҳам бўлса, биз юқорида айтиб ўтганимиз, улуғ устозлар Нарзуллоҳ Йўлдошев ва Фарҳод Қосимовлар орзу қилган ва умид қилган илм чўққисини забт этиш, яъни Академиклик даражасига эришиш қолди!... Ўз навбатида бу йўлда устозга Аллоҳ ёр бўлишини, Бухорои шариф пирлари, авлиёлари мададкор бўлишини юракдан истаб қоламиз!

Ахир, интилганга толе ёр бўлади деб бежиз айтишмаган!

АННОТАЦИЯ:

Мазкур “Устозларга хурмат – аждодлардан мерос” номли тўпламдан Бухоро давлат университети Тарих ва маданий мерос факультети “Жаҳон тарихи” кафедраси профессори, тарих фанлари доктори Шодмон Аҳмадович Хайитовнинг илмий-педагогик фаолиятига 40 йил тўлганлиги ҳамда таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган илмий-назарий анжумандан тўпланган фикрлар мажмуаси ва ибратомуз хикमतлар жой олган.

Тўпламда АҚШ, Туркия, қўшни Тожикистон ҳамда Республикамининг барча вилоятлардаги олийгоҳлар профессор-ўқитувчилари, нафақада бўлган устозлар, дўстлари, педагогик сафдошлари, шогирдлари ҳамда қавм-қариндошларнинг устоз Шодмон Аҳмадовичнинг ҳаёти ҳамда педагогик фаолиятлари ҳақида билдирилган мухтасар илиқ ва самимий тарихий воқеалар ўз аксини топган.

Тўпламда устоз Шодмон Аҳмадовичнинг 40 йиллик илмий-педагогик фаолиятлари давомида ёзган илмий асарларининг муқова фото нусхалари ҳамда тарихий фото жамланмалар галереяси шаклланган.

АННОТАЦИЯ:

Сборник под названием “Уважение к учителям – наследие наших предков” - это сборник мнений, собранных на научно-теоретической конференции профессора кафедры “Мировая история” факультета истории и культурного наследия Бухарского государственного университета, доктора исторических наук Шодмона Ахмадовича Хайитова, посвященной 40-летию его научно-педагогической деятельности и 60-летию со дня рождения.

В данном сборнике представлены краткие, теплые и искренние исторические события, рассказывающие о жизни и педагогической деятельности Шодмона Ахмадовича профессорами-преподавателями вузов, учителями на пенсии, друзьями, педагогическими товарищами, учениками, а также людьми и родственниками из всех областей, США, Турции, соседнего Таджикистана и нашей Республики.

В сборнике представлены фотокопии научных трудов мастера Шодмона Ахмадовича, написанные им за 40 лет научно-педагогической деятельности, а также галерея исторических фотокопий.

ANNOTATION:

The collection entitled “Respect for teachers is the legacy of our ancestors” is a collection of opinions collected at the scientific and theoretical conference of the professor of the department “World History” of the Faculty of History and Cultural Heritage of the Bukhara State University, Doctor of

Устозларга ҳурмат – аждодлардан мерос

Чориев А.	Муҳожирлар тадқиқотчиси	80
Нормуронова Г.Б.	Серқирра тарихчи олим ва бағрикенг инсон	83
Турсунов С.Н.	Устозлардан ибрат олиб шогирдларнинг комил устозига айланган аллома	85
Жумаев Р.Ғ.	Устоз, таъзимдамиз	89
Бадридинов С.	Илм билан бошланган дўстлик	91
Сирожев О.С.	Хайитов Шодмон Аҳмадович 60 ёшда	95
Жумаев А.	Юксак иқтидор эгаси	97
Рашидов О.Р.	Хаёт фалсафасини ўргатган устоз	100
Аминова А.М.	Жизнь дарованная науке	104
Халимов Т.А.	Шижоатли олим ва ногийқ	106
Ширинова Ф.И., Ҳамроева С.И.	“Ўзимизга тортдими ҳозирги ёшлар ...?”	107
Бакаев Н.Б.	Тарихчи донишманд олимнинг ойдин йўли	110
Бахронов Б.Б.	Ибратга йўғрилган нузли йўл	112
Ҳошимов С.	Эзгу ниятларга йўғрилган ҳаёт	114
Даминов Н.А.	Илм масканини яратган устоз	115
Шарипова О.Т.	Фидойи олим, беназир дўст, меҳрибон устоз	119
Болтаев Ш.О.	Олимлик даражасини улуғлаган инсон	120
Алламов А.А.	Интиланганга толе ёр	123
Орзиев М.З.	Устознинг чексиз меҳри	126
Маттиев Ў.Б.	Устоз Ш.А. Хайитовнинг Афғон фуқаролари тарихига оид тадқиқотларига бир назар	130
Йўлдошев С.	“Чин тиғи билан ололмаган Фарғонани илм билан олган Шодмон Хайит”га қўтлов хати	133
Собиров Н.	Мозийдан “марварид” излаган тарихчи олим	137
Арслонзода Р.	Инсонийлик ва олимлик тимсоли	144
Шарафиддинов А.	Фарғонага меҳри баланд дўстимиз Шодмон Хайитов ҳақида сўз	148
Раҳматиллаев Х.	Забардаст тарихчи олим	151